

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM BAZIRLIGI**  
**QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI**  
**MAKTABGACHA VA BOSHLAG‘ICH TA‘LIM**  
**METODIKASI KAFEDRASI**

**Педагогика факультети**

**5111700- “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” йўналиши**  
**битирувчиси**

*Хушвақтова Нодиранинг*

*“Бошланғич синф ўқиш дарсларида Абдулла Орипов ижодидан*  
*фойдаланиш имкониятлари” мавзусидаги*

**BITIRUV MALAKAVIY ISHI**

**Илмий раҳбар:**

**к.ўқ. Ш. Раҳматуллаева**

**“Ҳимояга тавсия этилди”**

**Педагогика факультети**

**декани \_\_\_\_\_ дотс. Ш. Нуруллаева**

**“ “ \_\_\_\_\_ 2015 йил**

**Қарши – 2015**

## МУНДАРИЖА:

Кириш .....

### **1-БОБ. Бошланғич синфларда Абдулла Орипов ижодидан фойдаланишнинг назарий асослари**

1.1. Бошланғич синф “Ўқиш” дарсларига қўйиладиган педагогик талаблар

1.2. Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодидаги лирик қаҳрамон.....

### **2-БОБ. Бошланғич синф “Ўқиш”дарсларида Абдулла Орипов ижодидан фойдаланишнинг мазмуни**

2.1. Бошланғич синф “Ўқиш” дарсларида Абдулла Орипов ижодидан фойдаланишнинг мавжуд ҳолати.....

2.2. “Ўқиш” дарсларида Абдулла Орипов ижодидан фойдаланишнинг йўллари ва воситалари .....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Иловалар.....

## К И Р И Ш

**Мавзунинг долзарблиги:** Юксалиш сари одимлаётган мустақил диёримизга миллий ғурури баланд, Ватанни севадиган ва ардоқлайдиган, баркамол инсонлар авлоди зарурдир. Шубҳасиз бундай авлодни вояга етказиш мамлакатимиз тараққиётида устувор соҳа деб белгиланди ҳамда педогогларнинг олдида турган асосий ва шарафли вазифалардан биридир.

Президент И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади.... Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай ловозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиздир”.1( Каримов.И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Т.: Маънавият, 130).

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мактаб таълим тарбиясига эътибор кучайтирилди. Замонавий, жаҳон андозалари даражасидаги янги мактаблар қад кўтарди, уларнинг моддий техник базаси яратилди ва мустаҳкамланди, дарслик, ўқув қўлланмалари, давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди, шунингдек, устоз- мураббийларга бўлган эътибор ҳам ҳар қачонгидан кўра юксалди.

Бу ишлар самарасини бошланғич таълим тизимида ҳам кўришимиз мумкин. Истиқлол йилларида бошланғич таълим тизимининг мазмуни ҳам тубдан ўзгарди. Янгича дунёқараш, мустақил фикрга эга бўлган баркамол, жажжи қалбларни тарбиялаб етиштириш масаласи бошланғич таълимнинг ҳам асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Янгича дунёқарашни шакллантиришда бошланғич таълим дарсликларининг, жумладан “Ўқиш” дарслигининг аҳамияти ва ўрни каттадир. Ушбу дарслик бошланғич таълим давлат таълим стандарти асосида яратилган бўлиб, бошланғич синфларда ўқитиладиган асосий предметлардандир.

“Ўқиш” дарслигида воситасида ўқувчилар ўқиш кўникмаси ва малакасини эгаллайдилар, фикрлаш доираси кенгаяди, она Ватан, ота-боболар, жонажон

табиат, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳақида дастлабки тасаввурлари шаклланади. Шунингдек, ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда “Ўқиш” дарслигида келтирилган бадиий адабиёт намуналарининг ўрни ва роли каттадир. Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта.” 1( Каримов.И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Т.: Маънавият, 136).

Демак, бошланғич синф ўқувчилари маънавияти шакллантиришда “Ўқиш” дарслигида келтирилган шоир ва адиблар асарларининг аҳамияти каттадир. Жумладан, Ўзбекистон қаҳрамони, Ватан ва миллат куйчиси А.Орипов асарларида келтирилган ғоялар бошланғич синф ўқувчилари маънавияти, дунёқарашини ўстиришда муҳим омил ҳисобланади.

Ватан, миллат мавжуд экан, кишилар қалбида унга нисбатан ғурур ва ифтихор туйғуси доимо мавжуд бўлаверади. Туғилиб ўсган Ватанни мадҳ этиш, ундан ғурурланиш шоирлар ижодига хос хусусиятдир. Аммо уни чин дилдан, юракдан ҳис эта олган, асарларида бу туйғуни намоён эта билган шоирлар санокли бўлади. Аввало бундай киши ўзи Ватанини, халқини севиши ва ардоқлаши, ундан фахрлана ва ғурурлана олиши даркор. Миллат ва Ватаннига нисбатан юксак даражадаги эътиқод, ундан ғурурланиш А.Орипов ижодига хос хусусиятдир. А.Орипов ижодининг бош мавзуси Ватан, унинг лирик қаҳрамони эса ватанпарвар кишидир. Шоирнинг ватанпарвар қаҳрамони шу кунгача ватан ор-номусини ҳар нарсадан устун деб билган, миллат ғурурини чуқур ҳис эта олган кишидир. Бу қаҳрамон шоирнинг ўзи бўлса ажаб эмас, чунки, бундай шеърларининг охирида кўпинча шоир ўзининг номини келтириб, Ватанга нисбатан, ўзбек халқига нисбатан меҳр-муҳаббатини, ундан ғурурланиш ҳиссини намоён этади. «Ўзбекистон», “Ўзбекистон–ватаним маним”, “Мен

нечун севаман “Ўзбекистонни” каби қатор шеърлари шоирнинг биз юқорида айтган Ватанга нисбатан эътиқодининг намунаси.

А.Орипов асарлари халқимиз ва бошқа халқлар қалбидан шунинг учун ҳам жой олганки, унинг ижодида она-диёр мадҳи, ватаннинг тенги йўқлиги, инсоннинг эрки, бурчи, эътиқоди, севги ва муҳаббат, авлодлар меросини қадрлаш ва улардан ғурурланиш, мунис ва муқаддас она тимсоли улуғланади, шунингдек, инсон руҳиятининг ўзига хос, нозик томонлари очиб берилади.

А.Орипов ижод қила бошлаган йиллардан буён юртимиздаги барча ёшдаги китобхонлар унинг асарларини севиб ўқийди. Китобхон ўзи учун керакли, юқорида айтганимиздек, инсон руҳиятига хос нозик кечинмаларга жавобни шоир шеърларидан топа олади. Айниқса, Ватан мавзусига бағишланган шеърлар китобхонларни таъсирлантириб юборади. Уларда Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат, ғурур ва ифтихор туйғуси тарбияланади, киши ўзини шу ватаннинг фарзанди ва унинг олдида бурчли эканини англай бошлайди.

Мустақил диёримиз фарзандларини баркамол инсонлар этиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан экан, бу борада А.Орипов ижоди асосий ва етакчи манба бўла олади.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган А.Орипов ижодида Ватанпарварлик, она табиатга муҳаббат, миллий ғурур ғоялари юксак таркиб топган экан, уни янада мукамал ўрганиш ва педагогик фаолиятга тарғиб этиш мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Ушбу битирув малакавий ишда бошланғич синф “Ўқиш” дарслигининг мазмуни, А.Ориповнинг ҳаёт йўли, у яратган асарлар, унинг асарларидаги ватан мавзуси, ўзбек халқидан ғурурланиш туйғуси, шунингдек, “Ўқиш” дарсларида шоир асарларидан фойдаланиш йўллари, имкониятлари ўз ифодасини топган.

**Тадқиқотнинг мақсади** – бошланғич синф “Ўқиш” дарсларида Абдулла Орипов ижодидан фойдаланишнинг педагогик асослари ишлаб чиқиш ва амалиётдаги ҳолатни ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** – бошланғич синф “Ўқиш” дарсларида Абдулла Орипов ижодидан фойдаланиш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** – бошланғич синф “Ўқиш” дарсларида Абдулла Орипов ижодидан фойдаланишнинг мазмуни, шакл-усуллари, воситалари, йўллари.

**Тадқиқотнинг илмий фарази шундан келиб чиқадики, агар:**

- бошланғич синфларда А.Орипов ижодидан кенгроқ фойдаланишнинг назарий жиҳатлари ишлаб чиқилса;
- А.Орипов ижодидан фойдаланишнинг самарали йўллари, усуллари ишлаб чиқилса;
- шоир асарларидаги ватанпарварлик, миллий ғурур ғоялари ўқувчиларга сингдирилса кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин.

Тадқиқотнинг мақсади ва илмий фаразига мувофиқ қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

**Биринчидан,** бошланғич синф “Ўқиш” дарсларида Абдулла Орипов ижодидан фойдаланиш педагогик муаммо эканлигини илмий асослаб бериш;

**Иккинчидан,** А.Орипов ижодидан фойдаланишнинг самарали усул ва воситаларини аниқлаш;

**Учинчидан,** ўқувчиларда А.Орипов ижодини ўрганишга нисбатан қизиқишни ўстириш мақсадида ташкил қилинадиган педагогик ишларнинг ишларнинг йўналишини аниқлаш ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот методлари:**

1. Назарий таҳлил;
2. Кузатиш;
3. Тест;
4. Анкета суровномалари.

## **1-БОБ. Бошланғич синф “Ўқиш” дарсларида Абдулла Орипов ижодидан фойдаланишнинг назарий асослари**

### **1.1. Бошланғич синф “Ўқиш” дарсларига қўйиладиган педагогик талаблар**

Юртимизда мустақилликдан кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар ўз натижасини бермоқда. Бунга таълим соҳасидаги ислохотларнинг муваффақиятли натижаси ўлароқ бошланғич синфлар дарслиklarини мисол тарзида келтириш мумкин.

Бизга маълумки, таълим соҳасидаги ислохотлардан кўзланган мақсад кўп қиррали бўлиб, булар: дарслиklar ва ўқув қўлланмаларнинг мазмунини тубдан янгилаш, янги материаллар ва илғор педагогик технологиялар билан бойитиш, қолаверса, аллома-ю мутафаккирларимизнинг баркамол инсон ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда ёш авлодни ватанпарвар, имон-эътиқодли шахс сифатида таркиб топтиришдан иборатдир.

Сўнги йилларда чоп этилган бошланғич синфлар дарслиklarини таҳлил этганимизда, бу дарслиklar мазмуни ўқувчиларни ҳар тарафлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш муаммосига қаратилганлигига гувоҳ бўлдик. Бошланғич синфлар учун мўлжалланган дарслиklar аввало “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури” асосида тузилган.

Ушбу дарслиklar ёрдамида ўқувчилар ўзбек халқининг тарихи, машхур алломалари, халқ оғзаки ижоди, Ўзбекистон ҳудуди, ватанимиз табиати, унда яшовчи инсонлар меҳнати, турмуш тарзи, миллий кадриятлари ҳақида босқичма-босқич маълумотга эга бўлиб борадилар.

“Ўқиш” дарслиги миллий кадриятлар орқали ўқувчиларда баркамолликни тарбияловчи асосий воситалардан биридир. Бу дарслик 1-синфнинг иккинчи чорагидан бошлаб, то тўртинчи синфнинг якунигача ўқитилади. “Ўқиш” дастурининг мазмуни ҳақида таълим стандартларида

қуйидаги фикрлар ёзилган: “Синфда ва синфдан ташқари ўқиш дастурининг мазмуни кичик ёшдаги ўқувчиларда имон-эътиқод туйғуларини шакллантириш, ватанга муҳаббат уйғотиш, ўзлигини таниш орқали оламни танишга йўллаш мақсадларига хизмат қилади” [13, 75].

Бошланғич таълим давлат таълим стандартларида 1-синф учун “Ўқиш” дarsi савод ўргатишдан кейин амалга оширилади. Синфда ўқиш учун жами 60 соат ажратилган. Бунда ўқувчиларни қуйидаги мавзулар билан таништириш назарда тутилган: она табиат ва эрта баҳор, кишилар меҳнати, болалар ўйини, одоб-ахлоққа доир матнларни ўқиш ва бошқалар. 2-синфда эса, дарсда, синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш учун жами 136 соат, шундан синфда ўқиш учун 120 соат ажратилган. Дарсликда ватанпарварлик мавзусига алоҳида ўрин берилган. Чунончи, ватан, ватанпарварликни тарбиялашга хизмат қилувчи “Она - юртим олтин бешигим” бўлимига 22 соат ажратилган.

Бу бўлимда ўқувчиларга бизнинг она юртимиз – Ўзбекистон Республикаси, унинг пойтахти Тошкент эканлиги, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона, Андижон, Наманган, Қашқадарё, Сурхандарё, Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Навоий каби вилоятлари борлиги айтиб ўтилади. Мамлакатимиз ҳудудидаги тоғлар, тепалик ва паст текисликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида тушунча берилади. Бу бойликларни асрашга даъват этилади.

3-синф “Ўқиш” дarsi учун таълим стандартларида [13, 116] синфда ўқиш учун 170 соат ажратилган. Унда кўпроқ миллий қадриятлар асосида ватанпарварликни шакллантиришга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, “Ватаним – жаннат макон Ўзбекистон” бўлимига 19 соат ажратилган. Бу бўлимда ўқувчиларга Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги, унинг Давлат байроғи, тамғаси, Конституцияси ҳақида тушунча берилади. Ҳар бир киши ўз ватанини севиши, ватан учун жонини аямаслиги, она тилини қадрлаши ҳақида айтиб ўтилади. Кишилар меҳнати ҳақидаги бадий ва илмий оммабоп асарлар ўқитилади.



4-синф “Ўқиш” дарси учун таълим стандартларида [13, 131] синфда, синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш учун – 169 соат, синфда ўқиш учун – 152 соат ажратилган. Бу синфда ҳам миллий кадриятлар намуналари асосида ватанпарварликни шакллантиришга алоҳида ўрин берилган. Шу билан бирга ватанга эътиқод, ватанпарварлик тушунчаларини шакллантиришга хизмат қиладиган “Истиқлолим – истиқболим” бўлими юзасидан 6 соат, “Ўзбекистон – ватаним маним” бўлими учун 8 соат ажратилган. Ушбу бўлимларда таниқли ёзувчиларнинг истиқлолга бағишланган асарлари, истиқлолнинг аҳамияти таҳлил этилади. “Эрк нашидаси” мавзуида ижодий суҳбат уюштирилади. Ўқувчиларга ватаннинг муқаддаслиги, юрт ободлиги, фаровон ҳаётимиз, халқимизнинг меҳнати ва саховатпешалиги туфайли юзага келиши тўғрисида тушунча беришга мўлжалланган бадиий, илмий-оммабоп асарлар киритилган. Ватаннинг ягоналиги ва унга бўлган муҳаббат туйғуси юзасидан суҳбат уюштирилиши кўзда тутилган.

Биз юқорида “Ўқиш” ва “Одобнома” ўқув предметларининг таълим стандартларида ватанга эътиқод тушунчаларини шакллантиришга қаратилган бўлимлари юзасидан берилган мавзулари, соатлари билан танишиб чиқдик.

Навбатдаги вазифамиз ушбу дарсликларда миллий кадриятлар намуналари: эртак ва мақолларнинг ватанга эътиқодни тарбиялашдаги аҳамиятини таҳлил этишдир.

“Ўқиш” дарсликларини таҳлил қилар эканмиз, бошланғич синф ўқувчиларида ватанга эътиқод тушунчасини шакллантиришда миллий кадриятларнинг муҳим манба бўла олишини ҳисобга олган ҳолда, ватанпарварлик руҳидаги мақолларга қандай ўрин берилганлигига асосий эътиборни қаратдик. Ҳар бир синф учун белгиланган ўқиш дарслигида ватанпарварликка оид алоҳида бўлим мавжуд бўлиб, мавзуга доир матн ва шеърлар билан бир қаторда мақоллар ҳам келтирилган. Масалан, 3-синф ўқиш дарслигида [94; 28] «Она битта, ватан ягона» бўлими якунида қуйидаги

мақоллар келтирилган: “Ватани борнинг – бахти бор”, “Меҳнати борнинг тахти”, “Ватанинг тинч – сен тинч”, “Она ернинг тупроғи она сутидек азиз”, “Олтмиш газ арқон” эртагидан сўнг шундай мақол келтирилган: “Юрт бошига иш тушса эр йигит ҳозир”. Бу мақолларнинг дарсликларга киритилишидан кўзланган мақсад ҳам бошланғич синф ўқувчиларини миллий қадриятлар намуналари билан таништириш орқали ўзбек халқи ва Ватанга эътиқодни шакллантиришдан иборат. Энг асосийси шу мақолларда илгари сурилган ватанпарварлик ғояларига амал қилиш кўзда тутилади. Кўпинча дарсликда берилган мақолларни ёдлаш учун мавзунинг якунида берилади, бунга сабаб берилган мақоллар мавзуни тўлдириш учун хизмат қилиши билан бирга, мавзуда баён этилган фикрларни хулосалаш учун ҳам аҳамиятлидир. Масалан, юқоридаги “Олтмиш газ арқон” эртагидан кейин келтирилган мақолнинг вазифаси ҳам эртак мазмунини тўлдириш ва хулосалаш учун ҳам аҳамиятли бўлиши билан бирга, ватанга эътиқод, уни ҳимоя қилиш учун эр йигитларнинг шай туриши лозимлиги ҳақида ўқувчиларни огоҳ этишдан иборатдир.

## 1.2. Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодидаги лирик қаҳрамон

Ҳақиқий илҳом ва ижод соҳиби, Ўзбекистон қаҳрамони А. Орипов 1941 йил 21 мартда Қашқадарё вилоятининг Косон туманига қарашли Некўз қишлоғида дунёга келди. Унинг отаси Убайдулла ўғли Ориф ота ниҳоятда бағрикенг, саховатпеша, илмли, фалсафий мушоҳада юритадиган ва ислом динини юксак кадрлаган ва унга амал қилган инсонлар тоифасидан бўлган. Ориф ота кўп йиллар Собиқ Совет даврида колхоз раиси вазифасини бажаради ва айниқса иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт орқасини мустаҳкамлашда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади. Мана шундай оғир бир вазиятларда баттол уруш оқибатидан кўплаб ўзбек оилаларида ҳам гўдаклар етим қолади. Ориф ота ҳам етим қолган икки болани фарзандлари қатори тарбиялаб, вояга етказди, уйли-жойли қилади. Ориф ота зеҳни ўткир ва хотираси мустаҳкам киши бўлган. У фарзандларининг тарбиясига жиддий қарар, уларни ўқимишли, илмни кадрлайдиган инсонлар этиб тарбиялашга ҳаракат қилар эди. Шоирнинг онаси Турди Карвон қизи ҳам оқила, меҳрибон, бағрикенг, шеърятни севадиган, нозик қалб аёл бўлганлиги учун қишлоқдошларининг ҳурматини қозонган аёллардан бири бўлган. У хаста бўлганлиги учун бир оз ҳазин, кўз қарашлари маъюс, ранги куз япроғи каби зафарон рангда эди. Бу эса ёш шоирнинг қалбини вайрон қилар, онасининг дардидан юрак бағри эзиларди. Шу боисдан шоир шеърятининг катта қисми онасининг хотираси билан боғлиқ. Улар оилада тўрт ўғил, тўрт қиз бўлиб, отаси эстаганидек, келажакда илм-маърифатли кишилар бўлиб етишади. Шоирнинг катта акаси адабиётшунос бўлганлиги сабабли уларнинг уйида мужазгина кутубхона мавжуд эди. Шоир кейинчалик эсдаликларида бу кутубхона ҳақида гапириб ўтади ва ўша ерда у Навоий, Физулий, Жомий, Увайсий ва бошқа шоирларни ғойибона таниганини, улар шеърятидан баҳраманд бўлганлигини таъкидлайди. Шу сабабли ёш Абдулланинг қалбида шеърятга нисбатан ҳавас, меҳр ўйғонган бўлса ажаб эмас. Шоир болалалигини эслаганида уларнинг қишлоғи ёнида жойлашган

“Қўнғиртоғ” ҳақида, у ерда унинг болалиги ўтганлиги ва шоирнинг энг яхши хотиралари, болаликка хос сирли кечинмалари ўша тоғ билан боғлиқлиги тўғрисида ёзади: ”Менинг туғилиб ўсган, болалигим ўтган жойим ( қадимги Насаф) шаҳридан беш-ўн чақирим томондаги Қўнғиртоғ этакларидир: Бобомнинг айтишларича, қайси бир замонларда Навоий Самарқаддан Бухорога ана шу Қўнғиртоғдан ўтган эмишлар...Ана шу Қўнғиртоғда бизнинг болалик йиллармиз ўтган. Ваҳор келганда ҳавони ўт-ўланни хушбўй хиди қоплар, шаррос ёмғир қуйганда биз тоғ чўққиси унгуридаги кичик-кичик ғорларга бекиниб олардик. Наводан тўйиб-тўйиб нафас олар эдим.Айниқса бу жойларда жануб кечалари, юлдузлар ниҳоятда ғўзал бўлар эди. Тим қора осмонда қўл чўзсанг етгудек улкан-улкан юлдузлар чарақлаб турарди. Ҳаётимда бундай ғўзал манзарани кейин учрата олмадим...”<sup>1</sup>.

Шоир ижодига хос она табиатни асраш, табиатнинг ўзига хос ғўзалликларини кўра олиш ва ундан завқланиш, Ватанга нисбатан ғурур тўйғуси ана шу хотираларда ёзилган жойлар билан бевосита боғлиқ.

Демак, шоирнинг болалик йиллари ўзига хос ҳис-туйғу ва кечинмаларга бой, қандайдир ҳеч ким кўра олмаган ва завқлана билмаган нарса, ҳодисаларга нисбатан қизиқишининг устунлигидан далолат беради.

У 1958 йилда мактабни олтин медал билан тамомлаб, Тошкент Давлат университетининг журналистика факултетига ўқишга киради. У таҳсил олаётган пайтларда университетда адабий жараён ғоятда қизғин эди.Ўзбек адабиётининг атоқли намоёндалари Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов каби адабиётшунос олимлар уларга таҳсил берар, шунингдек у таҳсил олаётган университетнинг турли факультетларида ҳозирги ўзбек адабиётининг атоқли намоёндалари ҳам таҳсил олар эди. Ўша йиллари шоирнинг шеърлари матбуотда тез-тез босила бошлади. У ёзувчилар уюшмаси мушоираларининг бирида “Муножотни тинглаб”, “Бургут” шеърларини ўқиб беради ва Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Миртемир, Шайхзода, Ғафур Ғуллом каби атоқли адибларнинг

назарига тушади ва улардан муттасил сабоқ олиб боради. Бу орада шоирнинг кетма-кетки тоблари нашрдан чиқади.

Шоирнинг ҳар бир шеъри ҳаётидаги маълум бир воқеа- ҳодиса билан боғлиқ. Масалан, “Аёл” шеърини олиб қарайдиган бўлсак, бу шеър урушдан қайтмаган амакиларининг беваларига бағишланади. Шоир болаликдан бу аёлларнинг изтироблари, сабр-бардошларини кўриб улғаяди. Шу сабаб мана шу шеър юзага келади. Ёки “Ўзбекистон” қасидаси, “Она тилимга” деб номланувчи шеърлари ҳам собиқ Совет тузуми даврида яратилган асарлари жумласига кириб, бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай дейди:” ...Гап шундаки, Ватанинг бутун Совет иттифоқи деб уқтириб турган бир пайтда, менга Ўзбекистон нима экан, деган савол юрагимнинг тубида пайдо бўлиб, ҳойнаҳой, “Ватаним -Ўзбекистон ”деб шеър ёзган бўлсам, тилимизнинг ҳар қадамда урилаётганини кўриб, ”Она тилимга” номли шеърини ёзганман. Ишхонамиз ёнида бир сассиқ ҳовуз бўлиб, унда уч-тўртта балиқ оғзини каппа-каппа очганча ўлар ҳолда кун ўтказарди. Бошқа шоирлар қатори ўша балиқларнинг ҳолига ачиниб, мен ҳам “Тилла балиқча” деган шеър ёзиб, балого қолдим. Эмишки, сассиқ ҳовуз деганда совет тузумини назарда тутганман»<sup>1</sup>.

Шоир ижодий фаолияти давомида таржима ишлари билан ҳам шуғулланади. “Ушбу машғулотиимнинг энг асосийси Дантенинг “Илоҳий комедия”си деб биламан. Ҳозирча унинг «Дузах” қисми таржима қилиниб, нашр этилди. Бу асар таржимасига қўл уришимга раҳматли Шароф Рашидов сабабчи бўлганлар. Атрофимизда турли қора ёрлиқлар айланиб қолганда Шароф ака бизни ўзларича муҳофаза қилдилар шекилли ёки ижодни бутунлай ташлаб кетмасин деган хаёлга бордиларми, “Комедия” ни таржима қилишни менга топширди. Таржима жараёни мен учун энг улуғ мактаб бўлди...Она тилимизнинг нақадар бой эканлигига имон келтирган бўлсам, ўша таржима жараёнида имон келтирганман...”<sup>1</sup>.

1984 йилда нашр этилган “Йиллар армони” тўплами шоирнинг деярли

чорак аср давомида ёзган асарлари намуналаридан тузилди ва маълум даражада муаллифнинг армонли йилларидан ўз-ўзига кичик бир ижодий ҳисоботи тарзида ташкил топди. Тўплам номида чуқур маъно бор. Унга кирган асарларида шоирнинг муайян орзу-ниятлари ижобат бўлиши баробарида айрим шеърларида истибдод тузуми даврида истиқлол ғоялари ва шахс эрки билан алоқадор кўпдан кўп умидлар амалга ошмай, армон бўлиб қолди. Тўплам номи бу асарлар ана шу йиллар армонидан қолган ёдгорликлар эканига бир рамзий ишорадир.

А.Орипов ўзбек адабиётини “Жаннатга йўл” ( 1978), “Ҳаким ва ажал”( 1980), “Ранжком” каби достонлари билан бойитди.

“Ҳаким ва ажал” достонини шоир жаҳоннинг буюк табиби Абу Али ибн Синога бағишлади. Асарда буюк даҳонинг инсонпарвар, закий қиёфаси акс эттирилади. Муҳаббат ва умргузаронлик улуғланади. Адолат билан қабоҳат, фасоҳат билан разолат ўртасидаги адабий ва азалий кураш кўрсатилади.

Сўнги йилларда жамиятда рўй берган ўзгаришлар, уларнинг замондошларимиз қалби ва тафаккурига кўрсатаётган таъсири шоирнинг “Ишонч кўприклари», “Муножот”, “Ҳикмат садолари”, “Ҳаж дафтари” сингари тўпламларига кирган шеърларида ёрқин акс эттирилди.

Абдулла Ориповнинг айрим шеърини тўпламлари ва шеърлари инглиз, рус, тожик, уйғур, украин, немис, қозоқ, венгер, қирғиз, болгар, туркман, озарбайжон, турк тилларига таржима қилинган.

У ижодий ишни узоқ йиллардан буён бир қатор нашриётларда, “Шарк юлдузи” ва “Гулхан” каби журналларда, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилиш билан кўшиб олиб борди. Абдулла Орипов ҳозир Ўзбекистон Республикаси сенаторларидан бири, ёзувчилар уюшмаси раисидир.

А.Орипов ижодининг бош мавзуси Ватан ва миллатдир. Ватаннинг ягона ва тенгсизлиги куйлаш, ундан фахрланиш, ўзбек халқининг шон-шавкати

таннум этиш, миллат ор-номусини ҳар нарсадан устун кўйиш шоир ижодининг мазмунини ташкил этади.

У барча асарларида саховатли, меҳнаткаш, меҳмондўст она халқини улуғлади. Шоирнинг ижоди буткул таг-томиригача миллийлик билан суғорилган. Бу миллийлик маҳдудлик, биқиклик, фақат ўзинигина ўйлаб, ўзгаларни менсимаслик ёки ҳақорат қилиш асосига қурилган эмас. Бу миллийлик замирида ўзбекона бағрикенглик, тантилик, олийжаноблик, ва меҳрпарварлик билан бани инсониятнинг бахт-саодатига, меҳр-мурувватига бўлган куюнчаклик ҳиссининг уйғунлиги ётади.

Ватан ва унинг фидойи фарзандлари севинч-ташвишлари куйлаш шоир ижодининг асосий йўналишидир. Ватанни куйлар экан, шоир бу Ватан улкан коинотнинг бир қисми эканини унутмайди. Ер курраси, она сайёра ташвишларини қаламга олганда эса, шоир ўйлари, шубҳасиз ва беистисно ундаги ўхшаши йўқ Ўзбекистонга бориб туташади.

Ватан, Ўзбекистон ҳақида шеър ёзмаган, унинг гўзалликларини куйламаган шоирлар бўлмаса керак. Булар орасида Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» лирик достони Ватан ҳақидаги энг сара, фахр ва ифтихорга тўла аср намунаси. Ушбу асар ўзининг жўшқин ва тантанавор оҳанги, Ватанга бўлган муҳаббати туйғуларининг порлоқ тасвири билан ажралиб туради. Шоир Ватанининг ягона ва тенгсиз эканини, унинг таърифини келтиришга шоирнинг қалами ожизлик қилиши айтиб ўтади:

Бир ўлка бор дунёда бироқ,  
Битилмаган дostonдир бори:  
Фақат ожиз қаламим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним<sup>1</sup>.

Шоир Ўзбекистон ва ўзбек халқининг тарихини варақлаб, бу мақтанса арзирли тарихдан олган ғурури ва сурурини дostonнинг бошидан охирига қадар қалб тараноларини туширишга ҳаракат қилади.

Бу дostonда ота-боболаримиздан бўлмиш Беруний, Амир Темур, Улуғбек, Навоий кабиларнинг номлари фахр ва ғурур ила тилга олинади:

Боболардан сўз кетса зинҳор,  
Бир калом гап аввалида.  
Осмон илми туғилган илк бор  
Курагоний жадвалларида.  
Қотил қўли қилич солди маст,  
Қуёш бўлиб учди тилла бош.  
Дўстлар кўкда юлдузлар эмас,  
У Улуғбек кўзидаги ёш.  
Ерда қолган, о, танним манним,  
Ўзбекистон Ватаним манним! 1

Ёки Беруний бобомиз тўғрисида шундай жумлалар келтирилган:

Америка- сеҳрли диёр,  
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали,  
Денгиз ортин ёритди илк бор,  
Берунийнинг ақл машъали.  
Колумда бор алашим манним,  
Ўзбекистон Ватаним манним2.

Шунингдек, шоирнинг бу дostonида ўзбек халқининг бошидан ўтказган жангу-жадаллари, босқинчилар томонидан тортган жабру-зулумлари тўғрисида ҳам ички бир ўқиниш, халқнинг мардонавор кураши эса ғурур билан тилга олинади:

Бош устингдан ўтди кўп замон,  
Ўтди будда, ўтди зардушти.  
Ҳар учраган нокас-у нодон,  
Она халқим, ёқангдаг тутди.  
Сени Чингиз ғазабга тўлиб,



Йўқотмоқчи бўлди дунёдан  
Жалолиддин самани бўлиб  
Сакраб ўтдинг Амударёдан.  
Сенсан ўшал саманим маним,  
Ўзбекистон Ватаним маним1.

Шоир достонда меҳнаткаш ва мушфиқ ўзбек деҳқони “деҳқон юртим” сифатида улуғланади:

Кеч куз эди, мен сени кўрдим,  
Деразамдан боқарди биров.  
У сен эдинг, о, деҳқон юртим,  
Турар эдинг ялангбош, яёв.  
Ташқарида изиллар ёмғир,  
Кир бобожон яйрагил бир оз.  
Дединг, пахта қолди-ку, ахир,  
Йиғиштирай келмасдан аёз.  
Кетдинг, умри маҳзаним маним...  
Ўзбекистон Ватаним маним2.

Демак, бу достон А.Орипов ижодининг энг сара намунаси бўлиши билан биргаликда ёшларимизни Ватанга, ўзбек халқига нисбатан миллий ғурур руҳида тарбиялашда ниҳоятда аҳамияти каттадир.

Машхур шоиримиз А.Орипов ижодининг бош мавзусини ватан, унга бўлган эътиқод, садокат ва мухаббат ташкил қилар экан, шоир “мен ватанимни нечун севаман” деган саволни ўз олдига қўяди. У ўзининг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» номли шеърида бу саволга жовоб беришга ҳаракат қилади:

Мен нечун севаман Ўзбекистонни  
Тупрогин кўзимга айлаб тутиё,  
Нечун ватан дея еру-осмонни

Муқаддас атайман, атайман танҳо.

Шоир ватани қай ерни макон этган бўлса, унга меҳри доим бирлигини этироф қилади:

Халқим тарих хукми сени агарда  
Мангу музликларга элтган бўлсайди,  
Мангу қорликларни макон этган бўлсайдинг  
Меҳрим бермасмидим ушал музларга.

Шу билан бирга шоир ватанни бойликлари учун эмас, у ватан бўлгани учун севиш керак деган фикрни илгари суради.

Ватанлар, ватанлар майли гулласин  
Боғ унсин мангу музда ҳам аммо  
Юртим сени фақат бойликларинг учун  
Севган фарзанд бўлса кечирма асло<sup>1</sup>.

Мустақиллик, истиқлол йилларида шоир ижоди янги поғонага кўтарилди, халқ ва унинг ташвиши ҳақидаги ўйлар янада теранлашди. "Шоир қалби" (1998 йил) шеърида шоир ўзи бир умр севиб куйлаган юртга бўлган руҳан теран туйғуларини қуйидагича изҳор этди:

Юртда не муборак ишлар бўлғуси,  
Ундан шоир қалби шавққа тулғуси...  
Унинг ҳар гўшаси жаҳонгир менга,  
Тошлоқ йўллари ҳам равондир менга...  
Мавжига ногаҳон кимдир тош отгай,  
Зарби юрагимнинг тубига ботгай...  
Гар сен дарё бўлсанг- ирмоғингдирман,  
Лат есанг, оғриқли бармоғингдирман<sup>1</sup>.

Шунингдек, шоир "Ҳикмак садолари", "Ҳаж дафтари", "Женева дафтари"га кирган туркум шеърлар ёзди. "Халқ», "Ватан", "Туркистон болалари", "Ўзбек комуси", "Фидойи" каби шеърларида Ватан мавзусининг янги қирраларини

очиб берди, юртнинг корига яраган эзгу фазилатли инсонлар образи яратилди. Бу шеърларнинг мазмун-мундарижасини Ватан ва халқ шаънига мадҳия айтиш, мавжуд реалликни шунчаки таъкидлаш ташкил этмайди. Уларда жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қадим юртнинг “жонида бир гавҳар бор”, қонида “иймон нури доимо оқиб турган” халв кечмиши ва истиқболи манзаралари чизилади, масъулиятли бугунга хос хусусиятлар бадий гавдалантирилади. Истиқлолнинг қадрига етиш, Ватанни кўз қорачиғидек асраш, ўзбек халқининг шонли тарихи билан фахрланиш, Ўзбекистонинг порлоқ келажагига ишонч А.Орипов ижодининг бош мавзу бўлиб қолаверади.

## **2.1. Бошланғич синф “Ўқиш” дарсларида Абдулла Орипов ижодидан фойдаланишнинг мавжуд ҳолати**

Ҳар бир асарида ўз халқига, Ватанига бўлган эҳтиром ва ундан ғурурланиш уфуриб турган Абдулла Орипов ижодига қизиқиш унинг ёшлик йилларидан бошланган эди. Қалами ўткир, мушоҳадаси теран шоирнинг фалсафий маъно касб этадиган шеърлари катта-кичикни ўзига жалб этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг ҳам ўзига хос туғи, герби мадҳияси бўлиши керак эди. Бу мадҳия ва белгилар Ўзбекистон деган юртнинг дунёда мавжудлигини, бошқа халқ ва элатлар қатори ўзбек халқининг шонли ўтмиши, фахрланса арзигулик ота-боболари, гўзал ва бетакрор она табиати, саховатли замини борлигидан огоҳ этувчи асосий қуролидир. “Ўзбекистон мадҳияси”сини яратиш тўғрисида Президент И.А.Каримов томонидан фармон эълон қилинди. Ўзбекистоннинг барча атоқли шоирлари-ю, ижодкорлар Ўзбекистон мадҳиясини яратишга киришиб кетдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияларининг бирида яратилган мадҳиялар Олий Мажлис кенгашининг депутатларига тақдим этилди. Абдулла Орипов сўзи, Мутал Бурхонов мусиқаси билан айтилувчи мадҳия жаранглаганда, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ва Олий Мажлис депутатлари ўрниларидан туриб, бу мадҳияни олқишлаб кетдилар. Бир овоздан ҳозирги мадҳиямиз матни ва мусиқаси қабул қилинди. Шундай қилиб, 1992 йил 10-декабрдан буён ушбу мадҳия жаранглаб келмоқда. Мадаҳиямиз жаранглаганда ҳаммамиз уни тик туриб эшитамиз, имконини топсак жўр бўлиб куйлаймиз. Боғча боласидан тортиб, кекса кишилар ҳам мадҳияни ёддан билади. Эрта тонгдан барча ўқув юртларидан тортиб, корхона ва заводларда ҳам бу оғанрабо мадҳия янграйди. Мамлакатимиздаги кўплаб корхоналар, қудратли заводлар шу мадҳия янграши билан ишни бошлайди. У мамлакатимиз аҳолисига рухий кўтаринкилик, тетиклик, бардамлик ато этади. “Оламни маҳлиё айлаган диёр”имиз борлигидан

калбимиз ғурур ва ифтихорга тўлади.

Биринчи синфга қадам қўйган болакайни мадҳия садолари билан мактаб ўз кучоғига олади. Ўқувчи китобининг биринчи саҳифасидаёқ Ўзбекистон мадҳияси билан танишади. Маदҳиямиз турли муносабатлар билан чет элларда янграганда, биз уни бошқа мамлакатлар мадҳиялари билан қиёслаш имконига эга бўламиз. Унинг мусиқаси, ўзига хос бетакрор матни ҳеч кимникига ўхшамаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Муъжазгина бу мадҳияда Абдулла Орипов ижодига хос энг муҳим жиҳатлар ўта ихчам тарзда ўз аксини топган. Айниқса, шеърда ватанпарварлик ва миллий ғурур руҳи жуда кучли. Бу шеър матнини юқорида айтганимиздек, жажжи болакайлар ҳам осон ёд оладилар. Бунга асос бўлган энг муҳим хусусият шуки, шоир фақат қисқа-қисқа сўзлар ишлатган, шеърда товушлар оғангдорлигига ҳам жуда кучли. “Жами 132 буғиндан иборат шеърда шоир куйидаги ғояларни илгари сурган:

**Биринчиси-** Ўзбекистон деган юртга таъриф берилади. У жон Ўзбекистон, серкуёш, ҳур ўлкам, она юрт, оламини маҳлиё айлаган диёр тарзида турли ифодалар билан мадҳ этилади.

Ватаннинг серкуёшлиги, ҳурлиги, унда тоабод илму-фан, ижод яшнажаги, шухрати жаҳон турганча порлаяжаги, элга бахт, нажот, дўстларга йўлдош, меҳрибон, истиқлол машъали, тинчлик посбони, ҳақсевар эканлиги ва ҳоказолар айтилган.

**Иккинчиси** – халққа таъриф берилган. У эл, халқ, ўзбек деган сўзлар билан тилга олинади. Бунга қўшимча равишта, яна аждодлар ва авлодлар ҳам эслаб ўтилади. Чунки, халқ тушунчаси ҳамиша ана шу икки «қисм» нинг ьир бутунлигидан иборат. Мадҳиямизда халқнинг хусусиятлари билан Ватаннинг фазилатлари уйғунлашиб кетган.

**Учинчиси-** истиқлолга таъриф берилган. Нақаротнинг учинчи мисрасида жаранглаган:

Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,-

Сўзларининг маъно моҳиятида истиқлол шарофатини улуғлаш ётганини сезиш кийин эмас. Иккинчи банднинг учинчи мисрасида эса истиқлол сўзи бевосита тилга олинади ҳам:

Истиқлол машъали, тинчлик посбони...

**Тўртинчиси-** мадҳияда абадийлик руҳи кучли сингдирилган. Яшнагай то абад илму, ижод, Аждодлар мардона руҳи сенга ёр, Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот ҳамда ҳақсевар она Сюрт, мангу бўл обод мисралари бевосита шунга хизмат қилдирилган”<sup>1</sup>.

Демак, Ўзбекистон мадҳияси гарчи мадҳия ҳисоблансада Абдулла Орипов ижодининг энг сара намунаси. Биз юқорида фикр билдирган бу шеърят намунаси бўлмиш Ватанимиз мадҳияси бутун Ўзбекистон халқи учун кенг жорий этилган. Уни давлатимиз рамзи сифатида ҳар биримиз ёд билишимиз, ундан фахрланишимиз, уни олий қадрият сифатида тилга олишимиз лозим. Гарчи мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов “Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида” Қонунни қабул қилди ва қонуннинг 2-моддасида шундай сўзлар ёзилган:

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенететининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир<sup>2</sup>.

Битирув малакавий ишимизнинг мазмуни ва мақсади бошланғич синф “Ўқиш” дарсларида Абдулла Орипов ижодидан фойдаланишнинг аҳамияти ва педагогик жиҳатларини исботлаш, ундан фойдаланишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқишдан иборат экан, биз бошланғич синф “Ўқиш” дарсликларида А.Орипов ижодидан фойдаланишнинг мавжуд ҳолатини ҳам таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Жумладан, М.Умарова, Ш.Ҳакимова томонидан нашр этирилган 3-синф “Ўқиш” дарслигининг биринчи саҳифасидаёқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясининг матни келтирилган. Ўқувчиларга

мадхияни ёд олдириш назарда тутилган. Шунингдек, бу дарсликнинг «Она битта Ватан ягона» бўлимида А.Ориповнинг «Сизга» шеъри келтирилган. Бу шеърнинг биринчи тўртлигида инсон учун энг олий неъмат бўлган эркинлик хақида, ушбу эркинликни қўлга киритиш ўзбек халқининг мустақиллиги эришиши билан, бобокалонларимиз Навоий, Бобур, ўзлигимизни англашимиз:

Эркин булмаса гар инсон фарзанди,  
Унинг оти кулдир, унвони – банди.  
Мустакил булолди энди узбегим,  
Навоий, Бобурим, яъни узлигим<sup>1</sup>.

Шунингдек, ўқувчиларга озодлик аждодларнинг армони эканлиги ва бу армонни юртбоши ёритганлиги, мамлакатимиз келажаги ёшлар, “миллат она бўлса, сиз – ғунча, бўстон, келажаги буюк хур Ўзбекистон”<sup>2</sup> юртлиги таъкидланган.

Биз амалиётдаги ҳолатни чуқурроқ билиш мақсадида бошланғич синф ўқувчиларига қуйидаги тест саволлари билан мурожаат қилдик;

**1. Ўзбекистон Республикаси мадхиясининг муаллифи ким?**

- а) Анвар Обиджон;
- б) Эркин Воҳидов;
- в) Ўткир Ҳошимов;
- г) Абдулла Орипов.

**2. “Ўқиш” китобингиздаги “Қушча”, “Сизга” каби шеърлар кимнинг қаламига мансуб?**

- а) Алишер Навоий;
- б) Абдулла Орипов;
- в) Бобур;
- г) Илём Муслим.

**3. “Ўзбекистон - Ватаним маним” ибораси қайси шоирнинг шеърида ифодаланган?**

- а) Анвар Обиджон;
- б) Сафо Матжон;
- в) Абдулла Орипов;
- г) ЖуманиёзЖабборов.

**4. Ватанимизнинг серқуёшлиги, хурлиги, унда тоабад илму-фан, ижод яшнажаги Абдулла Ориповнинг қайси асарида баён қилинган?**

- а) “Қушча” шеърида;
- б) Ўзбекистон мадҳиясида;
- в) “Ўзбекистон” қасидасида;
- г) “Сизга” шеърида.

**5. Абдулла Ориповнинг “Қушча” шеърида нима тасвирланган?**

- а) она;
- б) Ватан;
- в) баҳор;
- г) гўзаллик.

Олинган тест натижалари шундан далолат берадики, бошланғич синф ўқувчилари Абдулла Орипов асарлари билан танишлар. Айниқса, Абдулла Орипов мадҳиямизнинг муаллифи эканликлари ва мадҳиядаги сўзларда нималар ифодланганликларини яхши биладилар. Шунингдек, “Ўқиш” дарсликларида келтирилган бошқа шеърлардан парчалар ҳам айта оладилар. Биз тажрибаларимиз давомида бошланғич синф ўқитувчилари билан ҳам оғзаки суҳбат ўтказдик. Уларга қуйидаги саволлар билан муроҷжат қилдик:

1. “Ўқиш” дарслиги мазмуни ҳақидаги фикрингиз қандай?
2. “Ўқиш” дарслиги мазмуни яна нималар билан бойитиш лозим деб ҳисоблайсиз?
3. Тажрибангиз давомида кузатишингизча ўқувчилар А.Орипов асарларини ўзлаштиришда қийинчиликларга дуч келадидими?



4. Сизнингча “Ўқиш” дарслигига Абдулла Орипов шеърдан кўпроқ киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эдими?

5. Шоирнинг қандай мавзудаги шеърларидан “Ўқиш” дарслигига киритиш лозим деб ҳисоблайсиз?

Ўқитувчилар билан олиб борилган суҳбат натижаси шундан далолат берадики, уларнинг бугунги кунда нашрдан чиқаётган “Ўқиш” дарслиги ҳақидаги фикрлари ижобийдир, дарсликда келтирилаётган қарашлар, ғоялар, маълумотлар ўқувчиларни ҳар тарафлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилади. Шунингдек, бу борада адиб ва ёзувчилар асарларининг ўрни катта эканлигини ҳам ўқитувчилар алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Айниқса, шоиримиз Абдулла Орипов асарлари “Ўқиш” дарслигига кўпроқ киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки, шоир асарларидаги Ватан мавзуси ёш авлодда Ватанга нисбатан муҳаббат, садоқатни тарбиялашда муҳим восита бўла олади ва уни ўқувчилар тез, осонлик билан ёд оладилар деган фикрларни баён қилиб ўтдилар.

Демак, таҳлиллардан шунга амин бўлдикки, бугунги мамлакатимиз келажаги бўлмиш бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғурурли инсонлар этиб тарбиялашда А.Ориповнинг ижоди асосий восита бўла олади ва бугунги мамлакатимиз тараққиёти учун шоирнинг асарларини таълим-тарбия жараёнида янада мукамал ўрганишни тақазо этади.

## **2.2. “Ўқиш” дарсларида Абдулла Орипов ижодидан фойдаланишнинг йўллари ва воситалари**

Маълумки, таълим-тарбия жараёни муайян мақсадга йўналтирилган тизим бўлиб, унда баркамол шахсни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Демак, педагогик жараённинг асосий мақсади баркамол инсон шахсини тарбиялаб етиштиришдан иборатдир. Бу борада ўқувчиларга таълим ва тарбия беришнинг асосий омили бўлган дарс жараёнининг аҳамияти катта. Ушбу асосий омил яъни дарс орқали бошланғич синф ўқувчилари “ватан”, “она”, “истиклол”, “устоз”, “мехр-оқибат”, “садоқат”, “инсонийлик”, “орзу”, “келажак” каби тушунчаларнинг мазмунини англаб, ватанга садоқат, ота-онага ҳурмат, келажакка умид, орзуга интилиш, устозларга эҳтиром, чин инсонийлик каби руҳда тарбияланиб борадилар.

Бошланғич синфларда дарс таълим ва тарбия ишларининг марказий қисми ҳисобланиб, ўқувчиларни билим, кўникма, малакалар билан қуроллантиришда, миллий қадриятларимиз ҳақида тушунчага эга бўлишида, ахлоқий сифатларни ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бизга маълумки, бошланғич синфларда ўқитиладиган “Ўқиш” дарслари ҳам умумий дидактик талабларга жавоб бериши, жумладан дарсда мавзунинг характеридан келиб чиқиб, халқимизнинг бой педагогик меросига таяниши, шоир ва ижодкорларимизнинг асарларидаги тарбиявий ғоялардан фойдаланиш имкониятларини излаши лозим.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис қабул қилган қарор, қонун ва фармонлар дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда. Бунда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари”, “Бошланғич таълим концепция”си, “Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар концепция”си каби ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга. Қабул қилинган барча юқоридаги

хужжатларда ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда ватанга садоқат руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Дарс жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг дунёқараши шакллана боради, мустақил фикрлашга ўрганади, дунёвий билимлар билан танишади ва уларнинг узлуксизлиги ривожланиб боради. Ҳар бир дарснинг муваффақияти унинг олдида қўйган мақсадига боғлиқдир. Қачонки, мақсад аниқ ва пухта, ўқувчини ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган бўлса, дарснинг самарадорлиги таъминланади.

Бугунги кунда педагогик жараённинг самарадорлигини таъминлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб муаммо ҳисобланади. Бунда бошланғич синф ўқитувчиси педагогик жараён олдида қуйидаги мақсадларни қўя олиши керак:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фаолияти ҳамда миллий истиқлол негизида ифодаланган баркамол инсонни шакллантириш ҳақидаги фикрлардан дарс жараёнида унумли фойдаланиш.

2. Дарсда ўрганилаётган мавзу характеридан келиб чиққан ҳолда ижодкор илгари сураётган ғояни айнан ўқувчи онгига етказа олиш йўлини танлай билиш.

3. Дарс жараёнида турли дидактик ва техник воситалардан фойдаланиш олиш кўникмасига эга бўлиш.

4. Дарс лойиҳасини мукамал туза олиш ва кутиладиган натижани олдиндан кўра билиши лозим.

Бугунги кунда мактабларда синф-дарс шаклидаги машғулотлардан фойдаланиб келинмоқда ва уларга қўйилган талаблар ҳам ўзгариб бормоқда. Дарсларни қизиқарли уюштириш учун ўқитувчилар янгича дарс турларидан, турли-туман интерфаол усул ва воситалардан фойдаланишлари мумкин. Бошланғич синф ўқитувчилари шоирлар асарларидан жумладан А.Орипов асарларидан фойдаланганда дарс лойиҳасини тузишда ўқувчининг ёши, индивидуал хусусияти ва дарснинг давомийлигига алоҳида эътибор қаратиши,

Ўқувчиларнинг билимларини синаш ва қизиқишларини ошириш мақсадида бошқотирма, ребус, ўйин-топишмоқ каби дарс самарадорлигини оширувчи воситалардан фойдаланиши лозим.

“Бошқотирма” (кроссворд) – ўқувчилар билимини текшириб кўриш, мустаҳкамлашга имкон яратадиган дидактик воситадир. Бошқотирмалар ўқувчилар ёшига мос ҳолда, содда кўринишда тузиб олинади. Масалан А.Ориповнинг 1-синф “Ўқиш” китобида келтирилган “Қушча” шеъри учун қуйидагича бошқотирма тузиш мумкин:

Болалар, мана бу бўш катакчаларга унли ҳарфларни қўйсангиз, шоиримиз А.Ориповнинг сизга таниш бўлган шеърининг номи келиб чиқади: (Қушча)

	У			А
--	---	--	--	---

ёки шоирнинг “Қушча” шеърисида нима ифодаланганлигини билиш мақсадида қуйидагича бошқотирма тузиш мумкин. Бу билан ўқувчи шеърисида нима ифодаланганлигини хотирасида сақлаб қолади. Бунда қуйидагича бошқотирма тузилади ва ўқувчилардан бўш катакчаларга ундош ҳарфлардан қўйишлари сўралади: (Баҳор).

	А		О	
--	---	--	---	--

Бошқотирмалар дастлаб ўқитувчининг қўмағида ечиб борилади, болалар улғайиб бориши натижасида бошқотирмаларнинг кўриниши ҳам мураккаблаштирилади. Баъзан бошқотирмаларда калит сўзлар ҳам мавжуд бўлади. Унда калит сўз ёзилган катакчалар қалин чизиқ билан чегараланган бўлади. Калит сўзни 1-2-синфларда ўқитувчи ёрдамида, 3-4-синфларда ўқувчиларнинг ўзлари мустақил ҳолда топа билишлари керак.

Дарсларда “Ўйлаб топ” типдаги воситадан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Шунингдек, бу типдаги топшириқлардан бўлим юзасидан такрорлаш дарсларида ҳам фойдаланиш мумкин. У қуйидаги тарзда ташкил этилади. Ўқитувчи бирор бир нарса ва предметни сўз ёки топишмоқ ёрдамида уч марта таърифлайди. Таърифлар берган сайин соддалашиб бораверади. Соддалашиб бориши натижасида ўқувчиларнинг баллари ҳам пасайиб бораверади. Яъни биринчи таъриф эълон қилингандаёқ жавоб топган ўқувчиларга 3 балл, 2-таъриф ўқилгач, жавоб берган ўқувчиларга 2 балл, 3-таъриф эълон қилингандан кейин жавоб берган ўқувчиларга 1 балл берилади. Масалан, 1-синф ўқувчиларига А.Ориповнинг “Қушча” шеъри юзасидан қуйидагича таърифлардан фойдаланиш мумкин.

1. У учади.
2. Унинг иккита қаноти бор.
3. У баҳор келганда ўлкамизага қайтиб келади,  
Шоҳдан шоҳга қўниб, шўх ва қувноқ куйлайди.

(Жавоб: Қушча)

“Ўқиш” дарсларида бошланғич синф ўқувчиларининг ўзига хос руҳий-маънавий ҳолатидан унумли фойдаланиб дарсларни қизиқарли уюштириш билан ўқувчиларда А.Ориповнинг ижодига нисбатан қизиқишларини шакллантириб бориш мумкин.

Бу руҳий-маънавий ҳолат ўқувчиларда дарсликларда акс этган мавзу юзасидан ўқитувчи томонидан қилинган ҳикоя, суҳбат ёки кўриниш тарзида, шеърий асарларни тинглаганда, айниқса, асар қаҳрамонларининг ҳатти ҳаракати ҳикоя қилганда содир бўлади. Бизга маълумки, болалик деб аталмиш бу давр ўзининг ишонувчанлиги, тақлидчанлиги, қизиқувчанлиги ҳамда соддалиги билан улар ҳаётида ўчмас из қолдиради. Улар юқоридаги воқеаларни тинглаганларида, ўша қаҳрамонларга ўхшагиси келади, ўзларининг ўйинларида уларга тақлид қиладилар, ўқувчилар албатта халқ ҳимоячиси ва ватанга

эътиқодли инсонлар бўлишга ҳаракат қила бошлайдилар. Бу каби мақсадларни дарс жараёнида амалга оширишда ўқитувчи асосий ўрин эгаллайди. Жумладан, ўқитувчининг нутқи, мимикаси, ишонтириш қобилиятининг таъсири орқали ўқувчилар асар қаҳрамонларининг хислат ва хусусиятларини яққол тасаввур қила оладилар.

Демак, ўқитувчи дарс жараёнини яхши ташкил қилиши учун нафақат билимли, балки педагогик маҳорат ва педагогик техникани яхши эгалаган бўлиши лозим. У ўқувчига қачон ва қандай таъсир ўтказишни билиши, шу билан бирга озроқ куч сарфлаб, кўпроқ натижага эришиш йўлларини излаши лозим.

Бошланғич синфларда дарс жараёнида қуйидаги методлардан фойдалиниш зарур деб ҳисоблаймиз: *кузатиш ва назорат қилиш, суҳбат ва ҳикоя, тушунтириш, рағбатлантириш ва танбеҳ бериш, маъқуллаш, кўргазмалilik, намуна кўрсатиш, ишонтириш, баҳс, мунозара* кабилар.

Кузатишлар шундан далолат берадики, бошланғич синф ўқитувчилари дарс жараёнида ёзма ишлардан фақат она тили дарсларида фойдаланишади. Бундай машғулотлар аксарият ҳолларда, ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини текширишга қаратилган бўлади (иншо, диктант). Ваҳоланки, “Ўқиш” бошқа дарсларда ҳам ёзма иш турларидан фойдаланиш яхши натижаларга олиб келади. Ёзма ишлар болаларни мустақил фикрлашга, дунёқарашини ўстиришга хизмат қилиши билан бирга, барча ўқувчиларнинг мавзу юзасидан олган билимларини текшириб кўришга имкон беради. Бўлим ёки мавзу якунида ёзма ишлар ташкил этилганда ўқувчилар дарсда олган билимларини мустаҳкамлайдилар, мавзуга қайта мурожаат этиш орқали асар ҳақидаги тасаввурлари янада теранлашади, хотирасидан мустаҳкам жой олади. Ёзма ишларни бажариш жараёнида ўқувчиларда ватанга нисбатан ғурур, муҳаббат туйғулари тарбияланади. Бошланғич синф ўқитувчиси ёзма иш учун ўзи мустақил ҳолда мавзу танлаши ҳам мумкин., албатта, бу мавзулар ҳам шоир асарларидаги асосий ғояларга

каратиши лозим. Мавзулар қуйидаги мазмунда “Мен севган шоир”, “Ватаним куйчиси”, “Ўзбекистон ватаним маним”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” каби мавзуларда бўлиши мумкин.

Демак, дарс жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг ёзма, ижодий ишларидан самарали фойдаланиш яхши натижа беради, бу борада қатор педагогик шартларга риоя қилиш керак деган фикрга келдик:

1. Ёзма ишлар “Ўқиш” дарсидан амалга ошириладиган ишларнинг режасида кўрсатилиши, унинг мақсади, уларга қўйиладиган талаблар аниқ белгиланган бўлиши лозим.

2. Юқоридаги фандан ёзма ишларни уюштиришдан олдин, ўқувчилар мавзу юзасидан билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари шарт.

3. Ёзма ишларни ташкил қилишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, талабларини ҳисобга олиш лозим.

4. Ёзма ишларни эркин мавзуда танлаш қоидасига амал этиш зарурки, бунда бола ўз имкониятларини ўзи ҳисобга олади.

5. Ёзма иш мавзуси ўқувчини ўзига жалб қила оладиган даражада жарагдор бўлиши лозим.

Ёзма ишларнинг турлари кўп бўлиб, шулардан бири иншодир. **Иншо** - ўқувчиларнинг ижодий мустақил ишлари туркумига кириб, уларни А.Орипов ижоди билан таништиришда асосий восита бўла олади. Иншолар ўқувчиларнинг дарсда ўтилган мавзулари, эшитган ҳикоялари асосида уюштирилади. Дарс жараёнида эса, ўтилган мавзу ёки бўлим якунини хулосалаш учун ҳам иншолар ёздирилади.

Бошланғич синфларда иншо 2-синфдан бошлаб ёздириб борилади. Бунда ўқувчиларга 5-6 гапдан иборат иншоларни ёздириш мумкин.

3-,4-синфларда эса иншонинг мазмуни, ҳажми кенгайиб боради. Бу синфларда иншо ёзиш учун ўқувчилар иншога мустақил мавзу танлайдилар, режа тузадилар, фикрларни мантиқий боғлашга ҳаракат қиладилар. Бунда

ўқувчиларнинг сўз бойлиги, саводхонлиги, фикр доирасининг кенг ёки торлиги асосий аҳамиятга эга.

Иншо ёздириш уч босқичда амалга оширилади:

- тайёргарлик босқичи. Мавзуга оид тайёргарлик ишлари иншо ёзишдан бир неча кун олдин бошланади. Экскурсиялар уюштирилиши мумкин, мутафаккирлар, миллий қаҳрамонлар ҳаёти ҳақида фильмлар томоша қилинади;

- асосий босқич. Бу босқичда ўқитувчи мавзуни ўқувчилар билан муҳокама қилади, режа тузилади. 2-синфда режани ўқитувчи тузиб беради.

3-синфда ўқувчилар билан биргаликда режа тузилади, 4-синфда эса, ўқувчилар мустақил режа тузадилар;

- якуний босқич. Бу босқичда ўқувчилар ёзган иншолари матнини қайтадан ўқиб чиқадилар. Хато ва камчиликларни тузатадилар.

Таълим жараёнида энг самарали фойдаланиладиган ижодий иш турларидан яна бири – бу **баёндир**. Бизга маълумки, бошланғич синфлар дарсликларида кўпчилик мавзулар матн билан ишлашни талаб қилади. Матнлар ўқитувчи томонидан бир марта ифодали ўқиб берилгандан сўнг, ундаги фикрлар оғзаки ҳикоя қилинади. Ёки ўқувчи матнни ўқиб, ўз фикрларини ҳикоя қилиб бериши мумкин.

Бошланғич синфларнинг “Ўқиш” дарсларида баён қуйидаги тартибда ёздирилади:

1. Ўқитувчи асарни ифодали ўқиб эшиттиради ва қайта ҳикоя қилиб беради.

2. 1-,2-синфларда баён режаси ўқитувчи томонидан тузилади ва ўқувчиларга тушунтирилади. 3-,4-синфларда эса баён режасини ўқувчиларнинг ўзлари туза олиш кўникмасига эга бўлишлари лозим.

3. Ўқувчилар матн мазмунини режа асосида бир неча марта ҳикоя қиладилар.



4. Ўқитувчи янги сўзлар имлоси ва маъноси ҳақида ўқувчиларга тушунча беради ва улар баён ёзишга киришадилар.

Бошланғич синфларда кўпроқ шеърӣ асарлар асосида баён ёзиш яхши натижа беради. Бунда ўқитувчи асарни ўзи ёки ўқувчидан ифодали ўқиб беришни сўрайди. Сўнгра асарни бир неча ўқувчи оғзаки ҳикоя қилади. Синфда ўқувчилар ўқитувчининг назорати остида режа тузадилар. Режа асосида баён ёзишга киришилади.

Бошланғич синф ўқувчилари “Ўқиш” дарсларида ёзма ишларни ёзишда куйидаги камчиликлар кузатилмоқда:

1. Ўқувчининг ўқиш ва ёзиш кўникмаси тўла шаклланмаганлиги намоён бўлмоқда.

2. Аксарият ҳолларда ўқувчилар ўз диққатларини мавзу доирасида жамлай олмаяптилар.

3. Уларда берилган мавзуга қизиқиш сезилмаяпти.

4. Баъзи ўқувчиларнинг тасаввур қилиш кўникмаси етарлича ривожлантирилмаган.

Ўқитувчи бу камчиликларни ўз вақтида пайқаб, уларни бартараф этиш устида ўқувчилар билан мунтазам иш олиб бориши лозим. Ёзма ишлар ёзиш жараёнида уларда миллий ғурур, ватанга садоқат, она табиатни асраш, аждодлар хотирасига ҳурмат ҳислари тарбияланади.

Демак, бошланғич синф ўқувчилари таълим жараёнида дунёвий билимларни эгаллашлари билан бир қаторда куйидаги тушунчаларни ҳам ўзлаштиришлари лозим:

- Ватан, она-Ватан, ватанпарварлик, эътиқод, “ватанни суймак иймондандир”, истиклол, мустақиллик, кадриятлар каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини;

- Ватан рамзларида нималар ифодаланганлигини билишлари, мадҳияни куйлай олишлари ва ундаги сўзларнинг маъносини тушуна олишлари;

- Конституция, Мустақиллик байрами, ҳарбийлар куни, миллий байрамларни нима муносабатда нишонланишини;

- Ватанимиздан етишиб чиққан машҳур алломаларни ва уларнинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссалари, миллий қаҳрамонларнинг номларини;

- Ватанимиз бойликлари, табиати, ҳайвонот дунёси, об-ҳавоси ҳақида маълумотга эга бўлишлари;

- яшаб турган жойларидаги обидаларнинг тарихини билишлари.

Бошланғич синф “Ўқиш” дарсларида А.Орипов асарларини ўрганиш, биз тадқиқ қилаётган мавзу юзасидан ўқувчиларга қўшимча маълумотлар бериш, дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ноанъанавий тарзда уюштириш, ёзма ишлардан унумли фойдаланиш самарали натижаларга олиб келади.

Бошланғич синфлар “Ўқиш” дарсларида А.Орипов ижодидан фойдаланганда қуйидаги тадбирлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Бошланғич синф ўқувчиларининг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда А.Орипов ижодига қизиқишларини ўрганиш.

2. Дарс жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг дунёқарашига таъсир этувчи омилларни аниқлаш.

3. А.Ориповнинг ўқувчилар қизиқиш билан мутоала қиладиган асарларини аниқлаш.

4. Шоир асарларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларни жалб қиладиган томонларга алоҳида эътибор қаратиш.

Ҳеч биримизга сир эмаски, мамлакатимиз мустақиллигидан кейинги даврида таълим олаётган бошланғич синф ўқувчиларининг дуёқарашини, билим савиясини, тафаккури бошқа даврлар ўқувчилариникидан мутлақ фарқ қилади. Айниқса, бугунги ўқувчиларимиз ўз мустақил фикрига, ўз қарашларига эга бўлган янги авлод бўлиб етишиб чиқмоқда. Миллий ғурури юксак даражада шаклланган авлодни тарбиялаш мамлакатимиз тараққиётида юзага келган

муаммо экан, бунда айниқса Абдулла Орипов ижоди орқали ватанпарварликни кенгроқ тарғиб этишни назарда тутмоқчимиз. Бунда бошланғич синф ўқувчилари билан “Ўқиш” дарсларида ноанъанавий дарсларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай дарслар бўлим юзасидан такрорлаш юзасидан ташкил этилса янада самаралироқ бўлади. “Ўқиш” дарсларида ташкил этиладиган ноанъанавий машғулот жараёнида ўқувчиларда олган билимларини мустахкамлаш, текшириш имконияти туғилади.

Ўқувчиларнинг фаолиятларини ташкил қилишга йўналтирилган очик дарсларнинг асосий хусусияти, улар кундалик ҳаётининг: қизиқиш ва индивидуал хусусиятларининг намоён бўлишидир. Ўқувчи бундай дарсда бевосита иштирок этади, турли мазмундаги суҳбатлар, савол-жавобларда қатнашади, тинглайди, қолаверса ўқувчининг маънавий дунёси бойиб боради. Бундай дарс ўқитувчи ва ўқувчидан жуда катта меҳнат, масъулиятни талаб қилади. Ноанъанавий дарс ўқитувчининг йиллик иш режаларида аниқ кўрсатилган, мақсад ва вазифалари белгиланган бўлиши лозим. Ўқитувчи очик дарсни ташкил этишда қуйидаги педагогик талабларга амал қилиши лозим:

- дарсни бойитадиган янги манбалар ўқувчининг ёши, руҳий ҳолатига мос бўлиши лозим;

-дарсда олиб чиқилаётган ғоя ўқувчини ҳар тарафлама ривожлантиришга хизмат қилиши керак;

-дарс аниқ мақсад ва режа асосида уюштирилиши керак;

-дарсдан кутиладиган натижа кафолатланган бўлиши лозим.

А.Орипов ижодига бағишланган очик дарсни қуйидаги босқичларда амалга ошириш мумкин:

1. Ноанъанавий дарсни режалаштириш;
2. Ноанъанавий дарс юзасидан ўқувчиларга тушунча бериш;
3. Ноанъанавий дарсда жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини таъминлаш;
4. Ноанъанавий дарс давомида ўқувчиларни жалб эта оладиган дидактик

воситалардан кенроқ фойдаланиш имкониятларни излаш;

5. Ноанъанавий дарс натижаларини тахлил қилиш ва баҳолаш.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун ёрдам берадиган қуйидаги методик тавсияларни баён этишни лозим топдик:

1. Ўқувчиларлари билан бундай дарсларни ташкил қилишда, аввало Абдулла Ориповнинг ижод йўлига, унинг аҳамиятига, ватанпарварликни, миллий ғурурни тарбияловчи характериغا эътибор бериш керак;

2. Яхши иштирок этган ўқувчиларни, синфни мактаб жамоаси олдида моддий ва маънавий жихатдан рағбатлантириш;

3. Ноанъанавий дарс орқали ўқувчи шахсидаги ахлоқий сифатларни ривожлантириш йўллари излаш;

Мазкур ишларни амалга оширишда ҳар-бир ўқитувчи энг аввало, ташкил қилинадиган дарснинг мазмунини чуқур ўрганиши, унинг натижаларига жиддий эътибор бериши ва бу билан ўқувчи шахсига ижобий таъсир этишга интиломи, Ватанга эътикод, миллий ғурур, Ватан равнақи учун хизмат қилиш, қолаверса, она табиатни асраш каби сифатларни янада ривожлантириш йўллари изламоми лозим.

Абдулла Орипов ижоди юзасидан ноанъанавий дарсларни жараёнини янада такомиллаштириш, ўқувчиларни А.Ориповнинг ҳаёти ва фаолияти, Ватанни, миллатни мадҳ этувчи асарлари билан чуқурроқ таништириш, уларнинг дарсда олган билимларини амалда исботлаш мақсадида дарс давомида викториналарни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун, аввало ўқитувчи ўқувчиларнинг Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва унинг асарларига қизиқишни ошириш мақсадида, унинг Ватан, миллат, буюк алломаларимиз, олийжаноблик ҳақидаги шеърларни ёд олдириши, ўқувчиларнинг ўзлари чизган Ватан манзараси тасвирланган суратлар намоишини ташкил қилиши, Абдулла Орипов драматик дostonларидан (парча) кўриниш тайёрлаш билан очиқ дарсга тайёргарлик кўрилади.

Абдулла Орипов ижоди билан ўқувчиларни кенгрок таништириш, Ўзбекистон мадҳиясининг қабул қилинган кунини ўқувчилар билан биргаликда нишонлаш, ўқувчиларда она-Ватанга, меҳнаткаш ва саховатли ўзбек халқига, унинг яратувчанлигига ва уларнинг қилган эзгу ишларга нисбатан меҳр-муҳаббат, ғурур ва ифтихор хиссини тарбиялайди ҳамда ўзбек халқининг узок тарихи билан яқиндан таниша борадилар.

Худди шундай ижобий сифатларни ўқувчиларда тарбиялаб боришда викториналарнинг ўз ўрни бор.

Викториналар ўқувчиларнинг имкониятларига мос, қизикарли, тарбиявий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган тарбия воситаларидан биридир. Викториналарда деярли барча синф ўқувчилари иштирок этадилар. Уларга тайёгарлик кўришнинг ўзиёқ ўқувчиларларда ватанга нисбатан меҳр-муҳаббатни тарбиялайди.

Викториналар қуйидаги тартибда ўтказилса, яхши натижа беради:

- Викторинанинг мавзусини танлаш ва мавзу юзасидан материаллар тўплаш;
- Викторинанинг дастурини режалаштириш;
- Викторинага меҳмонлар таклиф этишни режалаштириш;
- Викторина ўтказиладиган жойни аниқлаш ва безаш;
- Викторинани муваффақиятли ўтказиш ва қатнашчиларни рағбатлантириш.

Бошланғич синф ўқувчилари билан бу ишларнинг давоми сифатида “Мен севган шоир” викторинасини ташкил қилиш мумкин.

Бу викторина яъни, «Ватан ва миллат куйчиси» номи билан аталувчи Абдулла Орипов таваллудига бағишланган викторина орқали ўқувчилар Ватанимизнинг тенги йўқлиги, ягоналиги, гўзал табиати, ота-боболаримизнинг буюклиги, юртимиз тарихи, меҳнаткаш халқимиз ҳақида миллий ғурурга эга бўлади. Қолаверса, бу викторина орқали ўқувчилар она-Ватанни севишга ва асрашга, инсонларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлишга, диёнат ва саховатли бўлишга интила борадилар. Шу билан бирга ўқувчиларда бу викторина орқали Абдулла

Орипов ижодига нисбатан, унинг асарларига нисбатан қизиқиш янада ортади. Викториналарда синф ўқувчилари икки гуруҳга ажратиб олинади, уларнинг ҳар тарафлама тенглигига эътибор берилади. Бу беллашувни биринчи босқичда синф ўртасида, кейинчалик, синфлар ўртасида, мактаблар ўртасида ҳам уюштириш мумкин. Бу тадбирни тайёрлаш учун камида бир ой талаб килинади. Ҳар иккала томон кеча ўтказиладиган кунни белгилаб олгач, бошланғич синф ўқитувчилари, мактаб директори ва ёрдамчилари билан биргаликда кечанинг шартлари белгилаб олинади. Бу викторина шартларини куйидагича тузиш мумкин:

Гуруҳларнинг ўзаро табриги;

Ифодали ўқиш. (А.Ориповнинг Ватанни, Ўзбекистонни, ўзбек халқини мадҳ этувчи шеърдан ифодали ўқиб бериш, ҳар бир синфдан бир ўқувчи ўқийди);

Ёш рассомлар кўриги. (маълум вақт давомида ҳар бир синфнинг биттадан ёш рассоми Ўзбекистон манзараси акс этган сурат чизиб бериши шарт);

Гуруҳ иштирокчиларининг ўзаро баҳру-байд айтишуви (беллашув Ватан, Ўзбектон, ўзбек халқи ҳақидаги шеърлардан иборат бўлиши лозим. Бу беллашувда гуруҳнинг барча иштирокчилари қатнашадалар);

Абдулла Орипов драматик достонларидан кўриниш (танланган мавзу Ватанга, миллий кадриятларга нисбатан ҳурматни, эътиқодни тарбиялашга қаратилган бўлиши шарт );

Блец-уйин (саолларга тез жавоб кайтариш уйини. Саволлар Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижоди, у яратган асарлари, мастақиллик тўғрисида бўлиши мумкин) яъни: куйидаги саволлар билан мурожаат этилиши мумкин:

- Абдулла Орипов қаерда ва кимнинг оиласида дунёга келган?
- Абдулла Орипов болалиги ўтган тоғ номини айтинг?
- Абдулла Ориповнинг биринчи шеърини тўплами номини айтинг?
- Юзма-юз шеърини тўпланининг муаллифи ким?
- Ўзбекистон қасидаси кимнинг асари?

- Абдулла Орипов қачон халқ шоири унвонини олди?
- “Ҳаким ва ажал” достонида кимнинг образи тасвирланган?
- Дантенинг “ Илоҳий комедия”сини ким таржима қилган?
- Абдулла Орипов нечанчи йил Ўзбекистон қаҳрамони унвонини олди?
- Мен нечун севаман Ўзбекистонни

Тупрогин кўзимга айлаб тутиё,

Шеърининг давомини айтинг!

- Ўзбекистон мадҳияси кимнинг сўзи ва у нечанчи йили яратилди?

7.Ўзбекистон қасидасида буюк алломалар номи келтирилган қаторлардан парчалар айтинг?

8. Мустақилликдан кейин Абдулла Орипов ижодининг мавзуси нималардан иборат?

9.”Соҳибқирон» асарида кимнинг образи яратилган?

10. “Сизга” шеърининг муаллифи ким?

11.Гурухларнинг эркин шarti.

Ўқувчилар беллашув боҳонасида Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижоди, унинг асарлари ҳақидаги бадиий китобларни ўқишга киришадилар, натижада ўқувчиларнинг Ватанга нисбатан меҳрлари янада ошади.

Бу каби беллашув орқали ўқувчилар дарс жараёнида олган билимларини мустаҳкамлаши билан бирга, юқорида айтганларимиздан ташқари ўзларига нисбатан синфи олдидаги масъулиятни ҳис қиладилар.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, шартлар гуруҳ аъзоларидан астойдил тайргарлик кўришни, Абдулла Орипов ҳақида тўла маълумотга эга бўлишни, саволларга жавоб бериш учун эса дарслик ва кўлланмаларга мурожаат қилишни, ватанга нисбатан эътиқодни, меҳр-муҳаббатни намоён қилишларини талаб қилади.

## Х у л о с а

Ўзбек адабиётининг йирик намоёндалари Ойбек, Гафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор кабиларнинг тили ва эътиборига тушган Абдулла Орипов шу кунга қадар инсон қалбининг нозик кечинмаларини ўз асарларида тараннум этиб келмоқда. Шу боисдан бўлсаким, киши ёлғизлик истаса, қалби ўзгалардан озор етса албатта шоир шеърларига мурожаат қилади. Ўзи ахтарган саволларга жавобни шу шоир шеърларидан топади. Шоир шеърларини ўқир экансиз, руҳингиз ором олади, Ватанга нисбатан, ўзбек халқига нисбатан ғурурингиз ортади.

Биз малакавий битирув ишимиз давомида Ўзбекистон қаҳрамони А.Ориповнинг ҳаёти ва ижоди, унинг буткул миллийлик руҳи билан суғорилган асари билан яқиндан танишишар эканмиз, беихтиёр қалбимизда туғилиб усган она Ўзбекистонимизга, меҳнаткаш ва мушфиқ ўзбек халқимизга нисбатан фахр ва ғурур ҳиссини туямиз. Абдулла Орипов нафақат ўзбек халқининг балки, қардош халқларнинг ҳам эрка, севимли ва ардоқли шоиридир.

Абдулла Орипов ўзбек халқига ўз-ўзидан қониқишни, ўзгалардан кам эмас эканлигини ҳис эттира олган, Ўзбекистоннинг номини, унинг мадҳини жарангдор сўзлар билан дунёга машҳур эта олган шоирдир. У шу кунга қадар нафис шеърятга юксак даражада эътиқод қўйди, она фироғининг аламини, руҳий тушқунлик озорини шеърларига тўкиб солди. Абдулла Орипов деярли барча асарларида маънавий юксакликни, дид ва нафосатни улуғлади, тинчлик ва осойишталикни ҳар нарсадан устун деб билди. Унинг қалами адолат тиғидек ўткир, шеърларининг нафаси баҳор ҳавосидек майин бўлганлиги сабабли киши руҳини баъзан тетиклаштиради, баъзан эса аллалайди. Унинг ўзи айтганидек ”инжиқ руҳи” баъзан баҳорни қумсаса, баъзан жим-жит қишни тусайди. Шоир баҳор келишини муштоқ бўлиб кутади, Ватандошларимизга “Сен баҳорни соғинмадингми?” дея мурожаат қилади, ўлкамизга куз кириб келганлиги ва сариқ рангга бўялган куз япроқларининг секин сирпаниб ерга томон



шўнғиётганини бадий ифодалаб беради. Энг муҳими шоир инсоннинг табиатнинг бир бўлаги эканидан огоҳ этиб, кишиларни она табиатга, теварак-атрофга ва “ҳазрати инсон”га нисбатан меҳр-оқибатли бўлишга чакиради.

Шоир барча асарларида шон-шавкат, эътибор, дилда борим сенга дея она халқини кўкларга кўтаради.

Абдулла Орипов ижодини таҳлил қилиш жараёнида унинг асарларида миллий ғурур ва ватанпарварлик ғоялари нақадар юксак эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Мустақиллик даври таълим-тарбиясининг вазифаси Абдулла Орипов ижодини чуқур ўрганиш, унинг юксак фикрларидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш, айниқса бошланғич синфларда кенг жорий этишни талаб этади.

Биз олиб борган тадқиқотимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Жаҳон стандартлари даражасидаги билимли, эркин фикрлайдиган ва баркамол шахс яхлит педагогик жараёнда шаклланар экан, уни юксак миллий ғурурли ва ватанпарвар этиб тарбиялашда бошқа тарбия воситалари ва манбалари қатори Абдулла Орипов ижодининг аҳамияти катта эканлиги тадқиқот жараёнида ўз исботини топди.
2. Амалиётдаги ҳолатни ўрганиш натижаси шундан далолат берадики, барча ёшдаги мамлакатимиз фуқаролари жумладан, ўқувчилар Абдулла Орипов шеърятини, унинг шеърӣ қаҳрамонларини юксак қадрлайдилар.
3. Ҳозирги кунда бошланғич синф “Ўқиш” дарсларида Абдулла Орипов ижодидан, айниқса ундаги миллий ғурур ва ватанпарварлик ғояларидан таълим-тарбия жараёнида муваффақиятли фойдалана билиш долзарб педагогик муаммодир.
4. Абдулла Ориповнинг Ўзбекистон, ўзбек халқи, ватанимиз гўзалликларини тараннум этувчи асарларини ўқувчиларга чуқурроқ ўргатиш орқали баркамол инсонларни тарбиялаш ишларига салмоқли ҳисса қўшиб бориш мумкинлиги тадқиқот давоми яққол кўзга ташланди.

5. Бошланғич синф “Ўқиш” дарсларида А.Орипов асарлари юзасидан ноанъанавий дарсларни ташкил этиш ва унда турли дидактик воситалардан фойдаланиш кутилган самарадорликка олиб келади.

1 Улфат Маҳкамов. Ахлоқ-одоб сабоқлари Т.Фан нашриёти 1994, 89б

2 Юсупов К. Истиқлол мафкураси –миллий тараққиёт омили. Мулоқот,1993, 7-8 сонлар, 22-бет

1 Туленов Ж. Кадриятлар фалсафаси.- Т.: Узбекистон, 1998.- 335 б.

1 Хошимов К., Сафо Очил. Узбек педагогикаси антологияси.- Т.: Укитувчи, 1995.- 195 б.

1 Амир Темур уigitлари.- Т.: Навруз, 1992.- 63 б.

1 Навоий А.Ҳайратул Аброр.Т.: Ф.Фулум нашриёти. 1989, 76-б

1 Ёàðè

уломР=ашриётиЮ 1989, 76-1Й1 Ёàðèìâ È.À. R

бекистоннингPSқP8стиwЎолP2aPВарawşkётP9fЎиЮ // Rқбекистонк

<илЭ;ийP8стиwЎолЪ 8wñисодЪ АиёсатЪ <афкураЮ "омP1.-"Ю: RқбекистонЮ-1996.- 84 1Ю

2 Ёàðè

È.À. Ёзбекистоннинг оез истишлол ва тараšшиёт йсели. // Ёзбекистон: мил-лий истишлол, иштисод, сиёсат, мафкура. Том 1.-Т.: Ёзбекистон.- 1996.- 84 б.

2 Ёàðè

È.À. Âàðàì ñàæä0гоқP:абиP<uwЎддасдирЮ //

È.À. Âàðàì ñàæäагоқ каби мушаддасдир. //Ватан саждагоқ каби мушаддас-дир. Том 3.-Т.: Ёзбекистон, 1996.- 82 б.

1 <http://www.Aoripov.Uz/page5.html> 20.04.2007.

1 <http://www.Aoripov.Uz/page5.html> 20.04.2007.

1 <http://www.Aoripov.Uz/page5.html> 20.04.2007.

1 Н.Каримов, У. Норматов. Адабиёт 5-синф учун дарслик, Т.: Шарқ танриёти, 2003, 219-б.

1 И.Каримов, У.Норматов. Адабиёт. 5-синф учун дарслик.Шарқ. Т.: 2003, 219-б.

2 Ўша асар

1 И.Каримов, У.Норматов. Адабиёт. 5-синф учун дарслик.Шарқ. Т.: 2003, 219-б.

2 Ўша дарслик.

1 А.Орипов. Ишонч куприклари.-Т.: Узбекистон, 1998.- 134 б.

1 [http: www. Aoripov. Uz/ page 5. html](http://www.Aoripov.Uz/page5.html) 20.04.2007.

1 Султонмурод Олим., Жумаев Ш. Давлатимиз рамзлари.-Т.: Маънавият, 2002.-  
31-37 б

2 Уша асар, 26 – б.

1 Умарова М., Хакимов Ш. Уқиш китоби. 3-синф. Т.: Ижод, 2004.- 6 б.

2 Уша китоб, 6 б.